

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ободонлаштириш бошқармасининг  
бошлиғи  
И.Р.Умаров  
«    »    2022

Чирчик шаҳари худудидаги Мирзо-Ғолиб МФЙ ички  
хўжалик йўлларни таъмирлаш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

**ЧИРЧИҚ-2022**

## МУНДАРИЖА

1.Шартнома мавзуси.....	3
2.Шартнома буйича ишлар киймати.....	3
3. Пудратчининг мажбуриятлари.....	3
4.Тулов ва хисоб.....	4
5. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш.....	4
6.Кафолатлар.....	4
7.Алохида шартлар.....	5

## 1. Шартнома мавзуси

1.1. «Пудратчи» мазкур шартномага асосан **Чирчик шаҳар Мирзо-Ғолиб МФЙ ички кўчаларини жорий таъмирлаш** ишларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

## 2. Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1. Мазкур шартномадаги бажариладиган ишлар ва унинг шартномавий бугунги кундаги баҳоси

352 517 731 ( уч юз эллик икки миллион беш юз ўн етти минг етти юз ўттиз бир ) сўмни ташкил этади.

## 3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига муфовик топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб- ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- «Буюртмачини» пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилганини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш,
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналар ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;
- жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун жалб қилинган барча машина-механизмлар (1-м/соат), транспорт воситалари (1тн\*км ёки 1м/соат) ҳамда пудратчининг бошқа харажатлари (% ҳисобида) га экспертиза хулосаларини тақдим этиш ёки шартномага асосан тузилган келушув баённомасини тақдим этиш;
- тақдим этилган экспертиза хулосаларини инобатга олиб смета нархларида ишларни бажариш, объектларда бажарилган ишлар ижро ҳужжатларини (иш чизмалари, ёпилиб кетадиган ишлар далолатномалари, материалларга сче́т-фактуралар ва сертификатлар, ташилган юк ва машиналар реестрлари, иш олиб бориш журналлари, иш жараёнидан фото лавҳалар ва бошқалар) тўлиқ тартибда юритиш ва расмийлаштириш;
- бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сифатини ШНК, КМК, ГОСТ ва лаборатория талаблари даражасида бўлишини таъминлайди ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

3.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажарилгани ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### 4. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

4.1. «Буюртмачи» «Пудратчига» шартнома имзолангандан кейин объектга маблағ ажратилишига қараб 30% аванс миқдорини жорий чоракда қўтилаётган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, Пудратчи ҳисоб рақамига ўтказди.

4.2. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни «Пудратчига» ҳар ойда тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширади.

#### 5. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

5.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишни, объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Пудратчи», «Буюртмачи»га белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи», «Буюртмачи»га лаборатория ҳулосаси ва банк обмер тақдим қилингандан кейин қабул қилади. Ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

5.2. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект «Буюртмачи»нинг мулкига айланади.

#### 6. Кафолатлар

6.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

6.2. Объект ва унга қиравган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб қаида 12 ой этиб белгиланади. Объектнинг кафолатли муддати 12 ой этиб белгиланади.

6.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишнинг давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан ўнинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

6.4. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## 7. Алохида шартлар

- 7.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
- 7.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисимларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
- 7.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
- 7.4. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
- 7.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
- 7.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.